



66

НОКИМИ

ХОКИМИ

Q A R O R

2009 yil « 5 » июн

№ 585-17

«Истикбол пресс» масъулияти чекланган жамиятига Гулобод кургони бош режасидан маъмурий бино ва босмахона куриш учун 0.24 га ер майдони ажратиш тугрисида»

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 ва 36 моддалари, Вилоят архитектура ва курилиш бош бошкармасининг хати, туман ер танлаш хайъатининг далолатномаси ҳамда «Истикбол пресс» масъулияти чекланган жамиятининг туман хокимлигига ёзган хатини инобатга олиб

К А Р О Р К И Л А М А Н :

1. «Истикбол пресс» масъулияти чекланган жамиятига Гулобод кургони бош режасидан маъмурий бино ва босмахона куриш учун 0.24 га (шундан 0.08 га ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш учун) туман захира ерлари хисобидан ажратиш тугрисидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиклансин.

2. «Истикбол пресс» масъулияти чекланган жамиятига босмахона ва маъмурий биноларни куришдан олдин катъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал килган холда архитектура талаблари топшириги (АРТ), лойиха хужжатларини тайёрлаб Давлат курилиш экспертизаси руйхатидан утказиш юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг биринчи уринбосари Б.Кодиров зиммасига юклатилсин.

Туман хокими:

Б.Садуллаев